

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Х.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Строй Фергана Инвес” масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Ибрагимов иккинчи томондан “Риштон туманидаги 4-сонли ИДУМ биносини жорий таъмирлаш” объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### 1.Тарифлар

1.1 Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

Ижро ҳужжатлари; қурилиш майдони, вақтинчалик иншоотлар; беркитиладиган ишлар; шартнома нархини бўлиб чиқиш (ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

### 2.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартномага асосан “Риштон туманидаги 4-сонли ИДУМ биносини жорий таъмирлаш” объектида лойиҳ-сметада белгиланган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 3.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар юзасидан ЛОТ-174056 бўйича ўтказилган танловнинг 2022 йил 16 ноябрь кунги баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғи ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **852 780 906** (саккиз юз эллик икки миллион етти юз саксон минг тўққиз юз олти) сўмни ва объектда ишларни бажарилиши **60 кунни** ташкил этади ҳамда объект **2022 йил “20” Январ** куни фойдаланишга топширилади.

### 4.Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни шартнома ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажаради ҳамда объектни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

### 5.Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: -мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; -ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

### 6.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

6.1. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарори 1-1-бандига асосан Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказиши, бу **255 834 271.8 (икки юз эллик беш миллион саккиз юз ўттиз тўрт минг икки юз етмиш бир сўм саккиз тийин)** сўмни ташкил этади.

6.2. Жорий молиялаштириш вилоят ҳокимининг фармойишига асосан вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажартилиб, объектнинг махсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, тегишли ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70% миқдорда амалга оширилади. Бюджетдан маблағ ажратилмаган ҳолда, Буюртмачи тўловларни амалга оширмаганлиги учун мулкӣ жавобгар бўлмайди.

## **7. Ишларни бажариш**

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакили-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ва муддати устидан техник назоратни амалга оширади.

## **8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ва ҳукумат қарори қабул қилиниши натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## **9. Кафолатлар**

9.1. Пудратчи: -барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди;

9.2 Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

-объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

9.3. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.4. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда аниқланган камчиликлар оқибатида етказилган зарар суд орқали Пудратчидан ундириб олинади ва Пудратчи белгиланган тартибда "Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри"га киритилиб, келгусида тендер ва танлов савдоларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

9.5. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судларга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **10. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объектнинг махсус ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар

бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.5 Вилоят ҳокимининг объектга маблағ ажратилиши юзасидан фармойиши кечиканлиги учун объектнинг махсус ҳисоб рақамларига вилоят молия бошқармасидан маблағ келиб тушмаганлиги учун буюртмачи тўловларни амалга оширолмаганда пудратчи олдида мулкый жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

## 11. Низоларни ҳал қилиш

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

11.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди ва шартнома 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

### Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

#### “Пудратчи”

“Строй Ферғана Инвес” МЧЖ

Манзил: Олтиарик тумани, Зарҳал МФЙ,

Зарҳал кўчаси 131

х/р: 20208000105039125001

Банк номи: “Халкбанк” Олтиарик бўлими

МФО: 00796

СТИР: 306162561

90.111 - 70-69.

Раҳбар:  А. Ибрагимов



#### “Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Манзил: Фарғона ш. Темирйўл к. 37 уй

Тел./факс: 224-52-24

шҒХ: 401798860302241092100075023

СТИР: 204 816 336

ОКЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Ғазначилик бўлинмасининг

СТИР: 20000022010

Раҳбар:  Х.А. Долимов



Ҳуқуқий ҳулоса

Мазкур шартнома **Ўзбекистон Республикаси** Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Компания юристи \_\_\_\_\_  М.М. Маматқулов

## ГРАФИК ПРОИЗВОДСТВО

Риштон туманидаги 4-сонли ИДУМ биносини жорий таъмирлаш

№	Наименование объекта	Дог.Стоим.	2022 йил	
			Ноябр	Декабр
1	Общестроительные работы	852780906	341112362	511668544
<b>ИТОГО:</b>		<b>852780906</b>	<b>341112362</b>	<b>511668544</b>

**ЗАКАЗЧИК**

**ПОДРЯДЧИК:**



*(Handwritten signature in blue ink)*